

# ПУДРАТ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ БҮЙИЧА ШАРТНОМА

2022 й. «16» 6

2022-251-6-89-МТ-сон

Чуст шахри

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик “Буюртмачи” деб юритилувчи **Чуст туман Мактабгача таълим бўлими номидан бўлим мудири** **Б.Сотимов** бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик “Пудратчи” деб юритилувчи **“YANGI BUNYODKOR” МЧЖ** номидан курувчи **Д.Абдурахмонов** лар мазкур шартномани куйидагилар ҳакида туздик:

## I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича “Пудратчи” “Буюртмачи”нинг балансида булган **66-сонли МТТ ошхона биносини қуриш 2022** йил 1 сентябргача бажариб бериш учун тузилди.

1.2. Мазкур шартномада қайд этилган баҳолар “Буюртмачи”нинг смета хужжатларига асосан 2022 йил бозор нархларида, ККС кўлланган ҳолда амалга оширилади.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 2.1. “Пудратчи”нинг мажбуриятлари:

“Буюртмачи” тақдим этилган лойиҳа смета хужжатлари ва бошка хужжатлар қабул қилиб олиб, уни ўрганиб чикиб шу асосда иш олиб боради.

“Пудратчи” лойиҳа-смета хужжатларини ўрганиб аниқланган камчиликлар юзасидан “Буюртмачи”га хабар беради.

Лойиҳа смета хужжатларида ва бажарилган ишлар далолатномасидаги лимитланган ва бошка харажатлар “Пудратчи” ва “Буюртмачи” билан ўзаро тасдикланган Ф-05 асосида хисобга олинади ҳамда тўлов учун тақдим этилади.

Ушбу шартнома шартлари асосида бажарилган мухандислик тизимлари, асбоб ускуналар ва бутловчи буюмлар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар курилиши ёки таъмирланиши тугалланган объектни қабул қилиб олини тўғрисидаги далолатномани имзоланган қундан бошлаб камида 24 ой этиб белгиланади.

Ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аниқланган камчиликларни ва нуқсонларни ўз вактида бажарувчи томонидан бартараф этишини таъминлайди.

### 2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

Ўз буюртманомаси ва нуқсон далолатномаси бўйича бажарилган курилиш-таъмирлаш ишларини мазкур шартномага мувофик қабул килади.

Бажарилган ишлар ва олдиндан тўловлар учун хужжатларни расмийлаштириш ва тўловларни ўз вактида таъминлайди.

### **III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси КҚС билан бирга 113 824 034 (бир юз ўн уч миллион саккиз юз йигирма тўрт минг ўттиз тўрт) сўмни ташкил этади.

3.2. Қурилиш материалларини транспортда ташиш ва тушириш бўйича барча харажатларни “Пудратчи” кўтаради.

3.3. “Буюртмачи” бажарилиши лозим бўлган ишларни суммасининг 30 фоизи миқдорида олдиндан ҳак тўлайди. Бажарилган ишлар учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин 30 кун муддатда узил-кесил ҳисоб-китоб киласди.

3.4. Бажарилган ишлар учун пул ўтказиш йўли билан накд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб килинади.

### **IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ**

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисбланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Қурилиш-монтаж ишларини қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисбланади.

Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана бажарилган ишга ҳак тўлаш бўйича “Буюртмачи” мажбуриятлари бажарилган сана ҳисбланади.

4.4. “Буюртмачи”нинг розилиги билан қурилиш-монтаж ишлари олдин бажарилиши мумкин, бажарилган ва “Буюртмачи” томонидан қабул килинган ишлар учун кейинги даврларда бажарилиши керак бўлган ишлар ҳисобига ҳак тўланади ва улар ҳисобига ўтказилади.

4.5. Бажарилган қурилиш-монтаж ишлари бевосита “Буюртмачи”нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул килинади. Далолатнома белгиланган тартибда тузилади.

### **V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Томонлар ўртасида келишилган жадвал бўйича келган транспортнинг белгиланган муддатлардан ортиқча туриб қолганлиги учун айборд томон бекор туриб қолганлик билан боғлик сарф-харажатларни тўлайди. Бекор туриб колиш вакти<sup>и</sup>, томонлар ўртасида имзоланган далолатномага мувофик расмийлаштирилади.

5.2. Бажариладиган ишлар сифати, миқдори “Пудратчи” томонидан нотўғри аникланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аникланган тақдирда “Пудратчи” бажарилган ишларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда кайта ҳисоб-китоб

килади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташкари “Буюртмачи”га нотўғри хисоб-китоб килинган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Агар бажарилган курилиш-монтаж ишларининг сифати, стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбор томон бажарилган, сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.4. Курилиш-монтаж ишларининг бажарилиши бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши ради этилганлиги учун “Пудратчи” “Буюртмачи”га белгиланган устамалардан ташкари бажарилиши керак бўлган хизматнинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташкари, “Пудратчи” “Буюртмачи”га курилиш-монтаж ишларининг бажарилмаслиги натижасида етказилган заарни тўлайди.

5.5. Курилиш-монтаж ишларининг бажарилини кечикирилган ёки тўлик бажарилмаган тақдирда “Пудратчи” “Буюртмачи”га кечикирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар кийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва курилиш-монтаж ишларининг бажарилни муддати кечикирилиши ёки тўлик бажармаслиги туфайли етказилган заарлар копланишидан озод этмайди.

5.6. Бажарилган курилиш-монтаж ишлари учун ўз вактида ҳақ тўланмаганда “Буюртмачи” “Пудратчи”га муддати кечикирилган хар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бу кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.7. “Буюртмачи” ва “Пудратчи” томонидан шартнома бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун “Буюртмачи”ни ва жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-харакатлари (харакатсизлиги) томонидан шартнома бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган “Пудратчи”нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқлади.

5.8. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фукаролик конуничилиги нормаларига мувофик кўлланилади.

## VI. ФОРС - МАЖОР

6.1. Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер кимиrlashi, сел келиши каби табиий оғатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан янги қонун ва карорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва кўшимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

## VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқсан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

7.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевоси судга мурожаат килишга ҳаклидир.

### VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1. Мазкур шартнома ҳар икки томон тасдиклаб, Газначилик бўлими томонидан рўйхатга олингандан сўнг кучга киради ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажарунга қадар амал қиласди. Томонларни мажбуриятларини сўнги бажариш муддати **2022 йил 31 декабрга** қадар этиб белгиланади.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва хисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

### IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳакиқий хисобланади.

9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

### X. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:

“Пудратчи”

"YANGI BUNYODKOR" МЧЖ

Манзил: Чуст тумани, Варзиқ, Янгичак  
МФЙ 8 уй  
Тел./факс: +99890-599-20-03

х/р: 2020 8000 700 423 576 001

Банк номи: АТ Микрокредитбанк Чуст  
филиали

МФО: 00250 СТИР: 303167636



Рахбар:

Д.Абдурахмонов

Манзил: Чуст шаҳри, Чароғон кўчаси,  
9-уй

Ш.х.в 401722860142377091100251008

Банк номи: Марказий банк Тошкент  
шаҳри Б.Б КХКМ

МФО 00014, ОКОНХ 92400

СТИР: 305151766

Молия вазирлиги ғазначилиги  
х/р 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент шаҳри Б.Б  
КХКМ

СТИР 201122919 МФО 00014

Рахбар:   
Б.Сотимов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

**№ KM86684105**

1. Loyihaning turi. Sharhnomा.
2. Loyihaning nomi:  
Qurilish pudrati to'g'risida to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.  
Sharhnomা loyihasi Chust tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan  
ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022-yil  
15-iyun kuni kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonunchilik texnikasi va qoidalariga, qonun hujjatlariga  
muvofiq ishlab chiqilgan, loyihada korrupsiyaga sabab bo'luvchi omillar mavjud  
emas va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsulti:**



**S.Xojayev**

2022-yil 16-iyun